

98-боб. Қулга тоқати етмайдиган иш буюрмаслик



18:04 / 28.09.2020 2019

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мамлукнинг таомга, кийимга ҳаққи бор. Унга кучи етмайдиган иш буюрилмайди», дедилар».

Шарҳ: Демак, қул оч қолса, қулдор айбдор. Яланғоч қолса, қулдор айбдор. Қулдор одам ана шу мажбурият, масъулиятларни зиммасига олиши шарт. Шу билан бирга, қулга унинг қудрати етмайдиган иш буюрилмас экан.

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мамлукнинг таомга, кийимга ҳаққи бор. Унга кучи етадиган иш буюрилади», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадис аввалги ҳадиснинг биров бошқачароқ шаклидир.

Ушбу ҳадислардан кўришиб турибдики, бутун дунёда қулдорлик ҳукмрон бўлиб турган пайтда Ислом дини қулларнинг ҳақ-ҳуқуқларини белгилаб қўйган, уларнинг инсонлик даражаларини кўтарган, зарур ҳаётий эҳтиёжлар – таом ва кийимлар билан таъминлашни, шунингдек, тоқатидан ортиқ иш юкласликни шарт қилиб қўйган, умуман, қулларнинг манфаатларини биринчи бор ҳимоя қилиб чиққан.

Маърурдан ривоят қилинади:

«Абу Заррнинг олдидан ўтдик. Унинг эгнида битта кийим, ғуломида эса бош-оёқ кийим бор эди. Унга:

«Агар манавини олиб, унга бошқасини берсанг, бош-оёқ кийим бўларди», дедик. Шунда у:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Булар биродарларингиз. Аллоҳ уларни қўл остингизда қилиб қўйган. Кимнинг қўл остида биродари бўлса, унга ўзи еганидан едирсин, ўзи кийганидан кийдирсин. Кучи етмайдиган ишни буюрмасин, буюрса, ўзи ёрдам берсин», деганлар», деди».

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ва унинг батафсил шарҳи юқорида ўтди.

«Одоблар хазинаси» китобидан